

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11521727>

**Холматов Санжарбек Хожимамамович**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институтини, “Бухгалтерия ҳисоби ва  
аудит” кафедраси докторанти.*

**Аннотация.** Мақолада “барқарор ривожланиш”, “барқарор қишлоқ хўжалиги”, “барқарор инвестициялар” тушунчаларининг моҳияти очиб берилган. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини инвестициялаш бўйича хориж тажрибаси кўриб чиқилган. Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини инвестициялаш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** барқарор ривожланиш; барқарор қишлоқ хўжалиги; қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш омиллари; барқарор инвестициялар; импакт-инвестициялар.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги кунда, Ўзбекистон олдида иқтисодий ривожланиш сифатини ўзгартириш, иқтисодий ўсишни хом-ашё етиштирувчи тармоқлар ва уларнинг маҳсулотини экспорт қилиш ҳисобига эмас, балки илм талаб қилувчи омиллар ҳисобига таъминлаш, инновацион турдаги иқтисодиётни шакллантириш вазифаси турибди. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти” (*Food and Agriculture Organization, FAO*)нинг баҳо беришига кўра, тобора ўсиб бораётган талабни қондириш учун 2050 йилга келиб қишлоқ хўжалиги тармоғи томонидан 2012 йилга нисбатан салкам 50% га кўпроқ озиқ-овқат маҳсулоти, ем-хашак ва биоёнилғини ишлаб чиқариш лозим бўлади. Фақатгина инновациялар ва шиддатли технологик ривожланиш озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни барқарор асосда қондириш истиқболларини очади. Бунга эса фақатгина инвестицияларни кўпайтириш ва давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантиришнинг самарали давлат сиёсати ёрдамида эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига киритиладиган инвестицияларни кўпайтириш зарурияти яна қуйидагилардан келиб чиқади: сайёрамиздаги иқлим ўзгариши экстремал об-хаво шароитларига олиб

келмоқда, бу эса қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин; барқарор қишлоқ хўжалигини инвестициялаш озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор ишлаб чиқаришини таъминлашга ва озиқ-овқат етишмовчилиги рискларини камайтиришга кўмаклашади; қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини инвестициялаш янги ишчи ўринларининг яратилишига, соҳа ходимларининг даромадлари ортишига ва умуман жамиятнинг иқтисодий фаровонлиги яхшиланишига кўмаклашади; барқарор қишлоқ хўжалиги унумдор тупроқлар, сув ресурслари ва биохилмаҳилликнинг сақланишига кўмаклашади, бу эса сайёрамизнинг узок муддатли фаровонлиги учун муҳимдир.

**Мавзуга оид мавжуд муаммолар.** Ўзбекистонда 2022 йили ялпи миллий маҳсулот таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи хиссасига 29,6 фоиз, саноат тармоқларига 31,9 фоиз, хизматлар соҳасига 38,5 фоиз тўғри келган ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳасига асосий капиталга киритилган инвестициялар жами инвестицияларнинг 7,4 фоизини ташкил қилган (2018-2020 йилларда 3,1 фоиздан, 2021 йили 7,7 фоиз) [1], яъни қишлоқ хўжалигига кам инвестициялар киритилган. Аввало “барқарор ривожланиш” тушунчасини аниқлаб олсак. БМТ талқинида барқарор ривожланиш бу – жамиятнинг шундай ривожланиши-ки, бунда ҳозирги авлодлар эҳтиёжларини қондириш имкони яратилади ва келгуси авлодларга ўз эҳтиёжларини қондириш учун меросга қолдирилаётган имкониятларига зиён етказилмайди. Жаҳон банки талқинида барқарор ривожланиш бу – кишилар имкониятларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш манфаати йўлида жамиятнинг ялпи капиталини бошқариш. Яна бир таърифга кўра, барқарор ривожланиш бу – ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа, аҳоли ва атрофдаги табиий муҳитнинг ўзаро мос, уйғунликдаги ривожланиши [2].

Ўзбекистонлик олим Д.Х. Пўлатов “яшил иқтисодиёт” ва “барқарор ўсиш” тушунчаларини солиштиради ва уларнинг боғлиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, энг содда шаклдаги “яшил иқтисодиёт” иқтисодиётнинг кам

углеродли, ресурстежамкор ва ижтимоий инклюзив модели сифатида қаралиши мумкин [5].

Барқарор қишлоқ хўжалиги бу — қишлоқ хўжалигини барқарор тарзда юритиш, бунда озиқ-овқат ва текстил маҳсулотларига бўлган жамиятнинг бугунги кундаги эҳтиёжлари қондирилади ва ҳозирги ёки бўлғуси авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятлари хавф остига олинмайди [3]. “Бирлашган миллатлар ташкилоти”нинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти” (FAO) “қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш” тушунчаси остида барқарор усул билан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва озиқ-овқат ҳафсизлигини таъминлашни тушунади. Бир гуруҳ польшалик олимларнинг фикрича, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш мақсадлари қуйидагилар: қишлоқ хўжалиги ходимларининг юқори турмуш даражасини таъминлаш; атроф-муҳит учун ифлосланиш ва бошқа хавфлар келтириб чиқармайдиган ишлаб чиқариш усулларига эришиш; иложи борича, максимал равишда, қайта тикланувчи ресурслардан фойдаланиш; қишлоқ социумини ва анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолиш; чорвачиликнинг этик жиҳатларини ҳисобга олиш [4].

Фикримизча, мамлакат қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлаш тўрт гуруҳ омиллар, жумладан, экологик-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-технологик, ижтимоий-экологик-иқтисодий омилларнинг комплекс таъсири натижасидир. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши сифатида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва маҳсулдорлигининг табиий, биологик омилларини максимал ишга солиш лозим, назаримизда. Юқоридаги омиллар гуруҳлари ичидаги тўртинчи гуруҳ омиллар, яъни ижтимоий-экологик-иқтисодий (инвестициявий ресурслар, қишлоқ ҳудудларининг ривожланганлик даражаси, ҳудуддаги экологик вазият) омиллари орасидан инвестициявий ресурслар омилидан фойдаланишнинг хориж тажрибасини қуйида кўриб чиқамиз.

**Муамони ҳал қилиш усуллари.** Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари табиий мухитга техногенли таъсир қилишни камайтириш бўйича қонунчилик ташаббусларини қабул қилиш соҳасида, шунингдек, иқтисодий, экологик ва ижтимоий омилларни ҳисобга олиб жамиятни мувозанатлашган ҳолда ривожлантириш заруратини англашдан келиб чиқадиган, ундан кейинги қадам бўлмиш барқарор ривожланиш концепциясини амалга ошириш учун чора-тадбирларни жорий қилиш соҳасида “пионерлар” бўлиб ҳисобланади.

Хитойда барқарор ривожланишга миллий стратегия мақоми берилган. Хитойда еттига ўта муҳим “саноатнинг янги стратегик тармоқлари” орасида қатта улушни саноатнинг “яшил” тармоқлари ташкил қилади: атроф-мухит муҳофазаси учун товар ва хизматларни ишлаб чиқариш; биотехнологиялар; муқобил энергетика; янги материаллар ва “тоза” автомобилларни ишлаб чиқариш. Хитой ҳукумати дотациялар, субсидияларни берган ҳолда, венчур капиталини қўллаб-қувватлаган ҳолда, имтиёзли кредитлаш ва солиқ имтиёзларини тақдим этган ҳолда барқарор ривожланишга ўтиш учун рағбатлантирувчи сиёсатни олиб бормоқда.

Шуни қайд этиш муҳим-ки, барқарор ривожланиш концепцияси асосий ғоясининг хитойча талқини анчагина ўзига хосдир ва ортодоксал бўлиб қолган талқиндан фарқ қилади. Рио-де-Жанейродаги конференцияда келгуси даврдаги иқтисодий ўсиш имкониятлари бир қатор чекловлар ва шартлар билан қабул қилинган эди. Шиддатли иқтисодий ўсиш бўйича хавфсирашлар, ман қилишлар илгари сурилган эди. Қабул қилинди-ки, цивилизация ривожланиши янги моделининг фундаментал талабларидан бири - жаҳон ҳамжамиятининг аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадидаги иқтисодиётнинг чексиз ўсиб бориши – тараққиёт, деб қабул қилинадиган иқтисодий моделдан воз кечишдир. Лекин, шунга қарамасдан, барқарор ривожланишнинг миллий дастурида Хитой айнан иқтисодий ўсиш вазифасини, бўлиб ҳам - йилига 8-9 фоизлик ўсишни биринчи ўринга қўйди. Бундай нуқтаи назар қуйидагича асосланди: “Хитой – ривожланаётган

мамлакат, шунинг учун биринчи ўринда ривожланиш вазифаси туради. Иқтисодий ривожланишсиз атроф-мухитни муҳофаза қилиш, атроф-мухитни яхши томонга ўзгартириш сиёсатини амалга ошириш учун керак бўладиган моддий имкониятлар ҳам бўлмайди. Бошқа ривожланаётган мамлакатлар каби, ХХР учун ҳам энг бирламчи эҳтиёж бўлиб тез иқтисодий ривожланиш ҳисобланади. Фақат тез, барқарор, иқтисодий ривожланиш шароитидагина, ҳам Хитойда, ҳам бутун дунёда атроф-мухитни самарали химоя қилиш ва шароитларини яхшилаш имконига эга бўлиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини инвестициялаш бўйича энг эътиборли тажрибалардан бири бу – Нидерландия тажрибасидир. Нидерландия қишлоқ хўжалигига бўлган ўзининг инновациявий ёндашуви билан машхур, бу орқали улар чекланган ресурслардан самарали фойдаланишмоқда ва унумдорликни оширишмоқда. Қуйида қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини инвестициялаш бўйича Нидерландия тажрибасининг бир неча асосий жихатларини келтирамыз:

- 1) технологик инновациялар; 2) ресурсларни бошқариш - Нидерландияда табиий ресурслардан, айниқса сувдан, барқарор фойдаланишга интилоқдалар. Улар суғоришнинг, сувдан фойдаланишнинг инновациявий усулларини ишлаб чиқмоқдалар, шунингдек, тупроқлар сифатини яхшилаш устида, атроф-мухитни ифлослантиришни минималлаштириш устида қаттиқ ишлашмоқда; 3) таълим ва тадқиқотлар тизими - Нидерландияда қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим ва тадқиқотларнинг ривожланган тизими мавжуд. Улар қишлоқ хўжалигидаги илмий тадқиқотларга, мутахассисларни тайёрлашга ва барқарор қишлоқ хўжалигига инновациявий ёндашувларга инвестициялар киритмоқда; 4) коллаборация ва шериклик - Нидерландияда фермерлар, илмий муассасалар, ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида коллаборация ва шериклик амалиёти кенг тарқалган.

Энди ҳозирда хорижий илмий ҳамжамият доираларида долзарб бўлган барқарор инвестициялаш масалаларига тўхталиб ўтсак. Барқарор

ривожланишга ўтишни қўллаб-қувватлаб турувчи, барқарор ривожланишнинг мақсадлари ва вазифаларига эришишга кўмаклашувчи муҳим дастак бўлиб инвестициялаш ҳисобланади. Энг оммабоп ва барқарор ривожланишга кўмаклашувчи, инвестициялар тушунчасига яқин бўлганлари бу – барқарор ва масъулиятли инвестициялаш иборалари. “Масъулиятли инвестициялаш” ибораси БМТ Глобал шартномасининг кўнгилли ташаббуси, деб тан олинган “масъулиятли инвестициялаш принциплари” (ингл. - *principles for responsible investment (PRI)*) билан яқиндан боғлиқ. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда ҳам барқарор инвестициялаш мамлакатнинг молиявий тизими барқарор ишлашининг омилларидан бири бўлиб қолиши мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистонда мавжуд инвестициялар билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидаги иборани жорий қилишни таклиф қиламиз. Масъулиятли (барқарор) инвестициялаш - бу экологик, ижтимоий ва корпоратив-бошқарув омилларини (ингл. *ESG – environmental, social, governance*, рус. ЭСКУ – экологические, социальные и корпоративно-управленческие факторы) ҳисобга олувчи, шунингдек, узоқ муддатли даврда бозорнинг барқарорлигини ҳисобга олувчи, инвестициявий қарорларни қабул қилишга бўлган ёндашув.

Барқарор инвестицияларнинг бир кўриниши импакт-инвестициялардир. Импакт-инвестициялар бу – тижорат фойдасини олишдан ташқари, БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига мос келувчи ижобий ижтимоий ва экологик самара олишни мақсад қилган компания ва лойиҳаларга инвестициялар. *Global Impact Investing Network* нотижорат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, импакт-инвестициялар бозори 715 млрд. АҚШ долларига тенг ва йиллик 29% ўсишни, яъни келажакда ҳам ижобий прогнозни кўрсатмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларининг барқарор ривожланишга ўтиш тажрибаси таҳлили шуни кўрсатади-ки, БМТнинг эксперт ташкилотлари тавсияларига мос ҳолда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, мавжуд бўлган қонунчилик асосига қарамасдан, барқарор



ривожланиш мақсадларига эришиш соҳасидаги амалий натижалар барқарор ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш босқичида режалаштирилган натижалардан фарқ қилади, яъни, амалдаги ишлар анча орқада.

**Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар.** Барқарор кишлоқ хўжалигини инвестициялашнинг хориж тажрибасини ўрганиш бўйича қуйидаги таклифлар шакллантирилди.

Назаримизда, Ўзбекистон учун барқарор ривожланишнинг Хитой тажрибаси ибратли. Барқарор ривожланишнинг миллий дастурида Хитой айнан иқтисодий ўсиш вазифасини, бўлиб ҳам - йилига 8-9 фоизлик ўсишни биринчи ўринга қўйди. Бундай нуқтаи назар қуйидагича асосланди: “Хитой – ривожланаётган мамлакат, шунинг учун биринчи ўринда ривожланиш вазифаси туради. Иқтисодий ривожланишсиз атроф-мухитни муҳофаза қилиш, атроф-мухитни яхши томонга ўзгартириш сиёсатини амалга ошириш учун керак бўладиган моддий имкониятлар ҳам бўлмайди”.

Ўзбекистонда барқарор инвестициялаш мамлакатнинг молиявий тизими барқарор ишлашининг омилларидан бири бўлиб қолиши мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистонда мавжуд инвестициялар билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидаги иборани жорий қилишни таклиф қиламиз. Масъулиятли (барқарор) инвестициялаш - бу экологик, ижтимоий ва корпоратив-бошқарув омилларини (ингл. ESG – environmental, social, governance) ҳисобга олувчи, шунингдек, узок муддатли даврда бозорнинг барқарорлигини ҳисобга олувчи, инвестициявий қарорларни қабул қилишга бўлган ёндашув. Барча инвестициявий лойиҳалар учун ESG-мезонлари киритилиши талаби қўйилиши лозим. Масъулиятли (барқарор) инвестициялар мезонлари қуйидаги жиҳатларни қамраб олади: 1) экологик мезонлар; 2) ижтимоий мезонлар; 3) бошқарув мезонлари; 4) молиявий мезонлар; 5) инновациялар ва технологиялар мезони; 6) рискларни бошқариш; 7) узок муддатли барқарорлик.

“Ўзбекистон Республикасининг кишлоқ хўжалигини инвестициявий ривожлантириш қонуни”ни қабул қилиш лозим. Чунки, республикада

айнан қишлоқ хўжалигига инвестиция жалб этиш ва уни рағбатлантиришнинг қонуний асослари бозор иқтисодиёти талаблари даражасида такомиллашмаган. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятини тартибга солиш айрим қонунларда акс этган бўлсада, бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида инвестициявий муҳитни яхшилаш ва инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнининг бошқа соҳаларга нисбатан турли ташки ва ички субъектив омиллар таъсирида тез талафот кўриши, кутилмаган (форс-мажор вазиятлар) ходисаларнинг содир бўлишини олдиндан билишнинг қийинлиги, суғурталанувчи субъектларнинг бошқа соҳалар субъектларидан фарқ қилиши каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги учун суғурта тизими тўғрисида алоҳида қонунни ҳам қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Кўпгина хорижий экспертларнинг фикри мамлакатнинг “яшил ривожланиши” сув инқирозидан чиқиш йўли бўлишини кўрсатди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг “яшил” йўли иш унумдорлиги, бандлик ва даромадлиликни ошириб, атроф-муҳит ҳолатини яхшилашни назарда тутди.

Чорва хайвонлари учун озуқа муаммосини хал қилиш йўли сифатида катта магистрал автомобил йўллардан узоқроқ ер майдонларида газон ўрнига беда (люцерна) экилиши лозим.

Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фойдасининг камида 15%ни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестиция манбаи сифатида шакллантириш ва фойдаланиш лозим.

Республика бўйича йиғилаётган барча молиявий жарималар “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги”нинг алоҳида ҳисобрақамида тўпланиши, хар йили очиқланиши ва захира молиявий ресурси сифатида сақланиши лозим.

Давлат бюджетига тушумларни камида ўн фоизга кўпайтириш мақсадида корхоналарга берилган барча солиқ имтиёзлари (илмий



тадқиқотлар учун берилган имтиёزلардан ташқари) бекор қилиниши, унинг ўрнига эса айрим корхоналарга субсидиялар берилиши лозим.

Барқарор молиялаштиришнинг умумқабул қилинган халқаро тамойилларини мамлакатда яшил молиялаштириш бозорини шакллантириш амалиётига жорий этиш зарур. Хорижий амалиёт таҳлиliga асосан, “яшил” облигациялар ва қарзлар экологик лойиҳаларни молиялаштиришнинг махсус воситаси ҳисобланиб, ҳам ушбу облигациялар эмитентлари ва инвесторларининг мулкӣ манфаатларини, ҳам жамият ва давлатнинг экологик вазиятни яхшилаш борасидаги қизиқишини қондиришга имкон беради. Унинг айнан давлат томонидан янада кенг қўлланилиши учун эмитентлар ва инвесторларнинг “яшил” облигацияларни чиқариш ва сотиб олишга қизиқишини оширишга хизмат қиладиган бир қатор ҳуқуқӣ, ташкилий, услубӣ, ахборот, консултацион, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чора-тадбирларини қабул қилиш талаб этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.
2. Устойчивое развитие: основные понятия и термины. Словарь финансовых терминов. [Электрон ресурс]-URL: <https://finam.ru>
3. Холматов С.Х. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг илмӣ-назарӣ асослари. // “Тафаккур манзили”. 52-сон, 1-жилд, 2022 йил июн, 2-қисм. ISSN:2180-2160. 71–83-бетлар.
4. Holmatov S. Investisiyalarning qishloq xo'jaligi samaradorligini oshirishdagi yo'nalishlari. “EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES” Innovative Academy Research Support Center. www.in-academy.uz Volume 2 Issue 13, December 2022 ISSN 2181-2853 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7482867>
5. Пулатов Д. Узбекистан на пути к устойчивому развитию и зелёной экономике. // Журнал “Справочник финансового работника”, №07 (115)-2021, стр.71-76.